“ ТАСДИҚЛАЙМАН “
“Ўзмиллийбанк” АЖ Сурхондарё
вилоят Бош бошқарма бошлиғи.
Б.Э.Мамараджабов

“20” Апрел 2026 йил

“Ўзмиллийбанк” АЖ Сурхондарё вилояти Бош бошқармаси ва унинг тасаруфидаги БХМ,БХО ларда ўтказилган йиғилиш баёни № 4

2026 йил апрел **Термиз шаҳри**

Раислик қилди: **Б.Э.Мамараджабов** – “Ўзмиллийбанк” АЖ Сурхондарё вилоят Бош бошқармаси бошлиғи.

Қатнашдилар: **Х.А.Худойбердиев** – Бизнес мижозлар билан ишлаш гурухи бошлиғи, Бош бошқарма бошлиғи биринчи ўринбосари.

Ж.Қурбонов – Термиз Амалиёт БХМ бошқарувчиси.

“Ўзмиллийбанк” АЖ Сурхондарё вилоят Бош бошқармаси ва тасарруфидаги БХМ,БХО барча ходимлари ЗООМ орқали.

К у н т а р т и б и :

“Ўзмиллийбанк” АЖ Сурхондарё вилоят Бош бошқармаси ва унинг таркибий тузилмалари (БХМ, БХО)ларида коррупция ва таъмагирликни олдини олиш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ва банк биноси ва ходимлар хавфсизлиги, тартиб интизоми, муомала маданияти, Корпоратив этика Кодекси ва бошқа банк норматив қоидаларига хамда банк биносига кириш- чиқиш тартибига риоя этишлари бўйича.

Йиғилишни “Ўзмиллийбанк” АЖ Сурхондарё вилоят Бош бошқарма бошлиғи Б.Э.Мамараджабов ўз сўзи билан очиб, “Ўзмиллийбанк” АЖ Сурхондарё вилоят Бош бошқармаси ва унинг таркибий тузилмаларида (БХМ, БХО) тизимида коррупция ва таъмагирликни олдини олиш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш банк ходимларининг тартиб интизоми, муомала маданияти, Корпоратив этика Кодекси ва бошқа банк норматив қоидаларига хамда банк биносига кириш-чиқиш тартибига риоя этишлари бўйича белгиланган тартибга риоя этиш, ходимлар томонидан тартиб бузилишига йўл қўйилаётгани, зарур вақтларда ходимларни қаерда нима иш билан юрганлиги мавхум бўлиб қолаётгани бундан ташкари шу кечаю-кундузда Республика микёсида коррупцияга карши курашиш чоралари кучайтирилгани

сабабли хам келгусида ходимларимиз томонидан салбий ҳолатларнинг юзага келмаслигининг олдини олиш чораларини кўриш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Ходимлар доимий равишда огохлантирилишига қарамасдан банкимиздаги айрим ноинсоф ва виждонсиз ходимлар томонидан ўғирлик хамда ўз мансаб ваколатларини суйистемол қилиш холатлари давом этмокда.

Жумладан: "Ўзмиллийбанк" АЖнинг 04.01.2024 йилда 673-сон билан рўйхатга олинган "Ўзмиллийбанк" АЖ тизимида банкоматларга техник хизмат кўрсатиш, уларни нақд пул билан таъминлаш ва автоматлаштирилган шаклда валюта айирбошлаш амалиётларини амалга ошириш тартибига асосан банкоматлардаги маблағлар ва уларга тегишли ҳисобварақлардаги қолдиқлар ҳамда қопламаларнинг ўзаро мослигини ўрганиш мақсадида хар чоракда камида 1 маротаба (йил давомида камида 4 марта) навбат асосида банкоматлар фаолияти бир неча кунга тўхтатилиб, банкоматга тегишли барча ҳисобварақлар хатловдан ўтказилиши, тугалланмаган транзаксияларни тўлиқ қайта ишлаш ҳамда ҳисобварақлар тўлиқ тозаланганидан кейин қайта ишга тушириш" вазифаси белгиланган бўлсада, банкнинг *Термиз Амалиёт БХМда* 2026 йилларда банкоматлар фаолияти тўлиқ тўхтатилиб текшириб кўрилмаган.

2026 йил 14 апрел санасида Эшонқулов Фархон Нишонбоевич *мудир бўлиб ишлаб келаётган Термиз Амалиёт БХМга* қарашли банкоматлар фаолияти бир неча кунга тўхтатилиб, банкоматга тегишли барча ҳисобварақлар хатловдан ўтказилиши натижасида банкомат ҳисоб рақамидаги қолдиқ маблағ ўртасида **373 574 000,00 сўм** тафовут мавжудлиги аниқланди.

Бу холатни келиб чиқиш сабабларини тахлил қиладиган бўлсак банкнинг Амалиёт Хисоб китоб ва бизнесни техник қўллаб қувватлаш шўбаси ишига алоқадор бўлган бошка хизмат ходимлари ўз мансабига виждонан ёндашмагани локайд бўлишгани лавозим йўрикномасини лозим даражада бажармагани учун хам Эшонкулов Фарходнинг иш режими назоратсиз колиб кетганлигидан фойданиб ушбу ўгирлик жиноятини содир этган.

Яна бир шунга ўхшаш нохуш холатлардан бири 2026 йимл 18-апрел куни "Ўзмиллийбанк" АЖ Андижон Бош бошқармаси рахбар ходимлардан бир бўлган Муаммоли кредитларни ундириш ва юридик мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи томонидан банк мулкини ўз мансаб ваколатини суйистемол қилиб ғараз ниятда ноконуний сотиш вақтида катта миқдордаги АҚШ доллорини пора сифатида олган вақтида банк биносида қўлга олинган.

"Ўзмиллийбанк" АЖ Бошқарув раиси тононидан Андижон Бош бошқармасига шахсан ўзлари ташриф буйюриб ходимлар билан учрашиб банк тизимида коррупция ва таъмагирликни олдини олиш, банк хизматларини кўрсатишда қонун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаш, банк ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш шу билан бирга қонун ҳужжатларига риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажаришлари кераклиги тўғрисида ходимларни огохликга чақирган.

Келгусида бунга ўхшаш холатлар содир этилишини олдини олиш учун барча ходимларни лавозим йўриқномаси асосида ишлашга, мижозлар билан муомилали бўлишги, тартиб интизомли бўлишга ишга виждонан ёндошиб конун бузарликга йўл қўймаслик хақида такитлаб ўтдилар.

Акс холда содир этилган хар-бир конун бузарликга яни жиноятга жазо муқаррарлиги хақида огохлантирдилар.

Шундан сўнг Б.Хакимов (Коррупцияни олдини олиш бошқармаси, Коррупцияни олдини олишни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси) хам сўзга чиқиб, ўз сўзида банк тизимида коррупция ва таъмагирликни олдини олиш, банк хизматларини кўрсатишда қонун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаш, банк ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш шу билан бирга қонун ҳужжатларига риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажаришлари кераклиги тўғрисида маълумот бериб банк тизимида ва бошка сохаларда содир бўлаётган коррупцион ҳолатлар ҳақида маълумот берилиб ва "Ўзмиллийбанк" АЖ тизимидаги ходимларини бундай ҳолатлардан эҳтиёт бўлишлари кераклиги ҳақида тушунтиришлар бериб уларни огоҳлантириб ўтди. Коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида, шунингдек, устувор йўналишлар бўйича белгиланган асосий вазифаларни бажарилишини таъминлаш бугунги кунда энг долзарб масала бўлиб келмоқда хамда банк ходимлари томонидан содир этилаётган жиноятларни муҳокама қилиш ва келгусида ушбу жиноятларни содир этилишини олдини олиш учун вазифаларни белгилаб олишдан иборатлиги, ҳозирги кунда асосан банк ходимлари томонидан содир этилаётган жиноятлар кенг муҳокамага айланганлиги, кредит туловлари учун олинган пулларни туловлар амалга

ширилмасдан ў эҳтиёжлари учун ишлатиб юбораётганлиги, афсуски, шундай бўлсада, банк ходимлари томонидан ўзига тегишли хулоса чиқариш ўрнига, жиноятлар содир этилиши кундан-кунга тобора ортиб бориши тўғрисида тушунтиришлар бериб яна бир бор ходимларни огохликка чакириб, коррупцион холатлардан холи бўлишга акс холда жиноятга жазо муқаррарлигини таъкидлаб ўтди.

"Ўзмиллийбанк" АЖ Сурхондарё вилоят Бош бошқармаси ва унинг тасарруфидаги БХМ ва БХО ларда Коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида ходимлар ўртасида 2025-2026 йил давомида 15та тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишлари, хуқуқни мухофаза қилувчи органлар иштирокида 2 маротаба коррупцияни олдини олиш ва ўғирликлар бўйича танқидий профилактик йиғилишлир ўтқазилган.

Бунда қонун бузилишига йўл қўймаслик, мижозларни бехудага сарсон қилишга чек қўйиш, мижозлардан қабул қилинаётган ҳужжатлар юзасидан тамагирликка йўл қўймаслик ва хакозалар каби коррупцион харакатларга қарши курашиш лозимлиги хақида ходимлар онгига етқазиб келинмокда.

Шунингдек фуқаролар, мижозлар ҳамда банк ходимларининг коррупция иллати ва унинг оқибатларидан хабардор қилиш ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида, банкларимизда аксилкоррупция бурчаклари слайдлар, инфографика ва бошқа инновацион кўринишда маълумотлар жойлаштирилган.

М.Каримова (Кадрлар бўлими бошлиғи) сўзга чиқиб, банк ходимлари томонидан тартиб-интизомга риоя этишлари, Ўзмиллийбанк стандарт қоидаларида белгиланган тартиб асосида мижозларга хизмат қилишлари, кийинишлари ва муомала маданиятига риоя қилишлари кераклиги хақида гапириб, ҳар бир ходимнинг ҳатти-ҳаракати назоратда эканлигини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг сўзга чиққан Х.Расулов (Хавфсизлик, режим ва ахборотни химоялаш бўлими бошлиғи) Барча бўлим (шўба) бошлиқлари ва маъсул ходимлари учун "Ўзмиллийбанк" АЖ Бошқарувининг 2023 йил 23 декабрдаги №194-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган "Ўзмиллийбанк" АЖ нинг Корпоратив Этика Кодекси талабларига тўлик риоя этган холда ишни ташкиллаштириш, "Ўзмиллийбанк" АЖ Бошқарувининг 2021 йил 22 ноябрдаги №150-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган "Ўзмиллийбанк" АЖ Станрат Қоидалари талабини хам тегишли бўлим (шўба) бошлиқлари ва маъсул ходимлари келгусида иш жараёнида мижозлар билан муомола маданиятига риоя этишлари хамда "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Конунлари, Ўзбекистон Республикаси Президлентининг 23.03.2018 йилдаги ПК-3620-сонли "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори,шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 18.05.2018-йилдаги 24-17/238-сонли хатидаги "Банкларга кириш-чиқиш тартибини ташкил этиш бўйича тавсиялари"га мувофиқ "Ўзмиллийбанк" АЖ Сурхондарё вилоят Бош бошқармаси ва унинг таркибий тузилмалари (БХМ, БХО) биноларига рухсатнома билан кириш-чиқиш тартибини ташкил этишда хавфсизликни таъминлаш тўғрисида тушунтиришлар бериб, айрим вақтларда ходимлар иш вақтида ўз ўринларида бўлмай қолиш ҳолатлари кузатилаётгани таъкидлаб бу холат рахбарият ва мижозлар томонидан турли хилдаги эътирозларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётгани хамда ходимларнинг хавфсизлигини таъминлашда уларнинг қаерда ким билан нима ишлар билан машгул бўлаётгани ва хакоза холатларини билиб туриш максадида ходимлар иш вақтида бирон бир топшириқ ёки бошқа масалаларда, банк биносидан чиқишига тўғри келган тақдирда албатта бўлим бошлиғини огохлантириб, кадрлар бўлимида юритилаётган журналга изох қолдириб кетиши лозимлиги, уларнинг назорати бундан буёғига бўлим бошлиғида бўлишилигини тушунтириб, ушбу тартибга тўлиқ амал қилиши хакида огохлантириш берди ва тартибга амал қилмаган ходимга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланишини айтиб ўтди.

Бундан ташқари ходимларга маълумот тарикасида мукаддам банк сохаларида Сирдарё вилоятида "Турон банк" хизматлари офиси бошлиғи ва кассири банк маблағларини ноқонуний равишда ўзлаштириб, ***1XBET*** онлайн қимор платформасига тикиб банкнинг бир неча миллиардлик маблағларини ўзлаштирганликлари учун Ўз.Р. ЖКнинг 167-моддаси ва 228-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилиб, суд томонидан уларга бир неча йил муддатга мансабдорлик ва молиявий масъулиятли лавозимларда ишлаш хуқуқидан махрум қилиш, шунингдек озодликдан махрум қилиш ва иктисодий жазоларни тайинлангани, шунингдек улар томонидан ноқонуний равишда тикилган пул маблағларини давлат фойдасига ундириш қарори қабул қилинганлигини гапириб, келгусида ходимлар томонидан шунга ухшаш холатларга қўл урмаслик, акс холда содир этилган жиноят учун жиноий жавобгарлик мукаррарлигини тушунтириб **огохликка** чақирди.

Тартиб интизом масаласида хам ходимларимиз ишга келиш, обедга чиқиш ва қайтишда хам ишга маъсулиятсизлик билан ёндашмоқда ва бамайлихотирдир. Ишга имкон доирасида 5-10 минут олдин келиб, мижозни кутиб олишга тайёргарлик кўриш ўрнига кеч қолиши, иш ўрнига ўз вақтида ўтирмасдан ташқарида сигарет-нос чекиб кечикиши обедга эрта чиқиб кеч қайтиши каби холатлар хам тез-тез учраб турибди. Шунга мойил ходимларимизни бу борада огохлантирганмиз,келгусида улардан бу борада тегишли хулоса чиқариб олишларини талаб қилиб қоламиз акс холда ўзимиз тартибга олиб чора кўришга мажбур бўлиш мумкинлиги хакида эслатиб ўтди.

Банк ходимлари ҳаракатларига хуқуқни ҳимоя қилувчи органлар томонидан ҳам эътибор қаратилаётганлиги сабабли ходимларимиз иш вактидан бўш вактларида хам жамоат жойларида умумовкатланиш жойларида тўй-тамошаларда ўзини тута билиши банк ходими обрўси ва номига дог туширмасдан, доимо бошкаларга ўрнак бўлишга чакирди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мажлис

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.“Ўзмиллийбанк” АЖ Сурхондарё вилоят Бош бошқармаси ва унинг таркибий тузилмаларидаги (БХМ,БХО)нинг бошлиқлари ва маъсул ходимлари учун “Ўзмиллийбанк” АЖ Бошқарувининг 2023 йил 23 декабрдаги №194-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган “Ўзмиллийбанк” АЖнинг Корпоратив Этика Кодекси, 2021

йил 22 ноябрдаги №150-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган "Ўзмиллийбанк" АЖ Станрат Қоидалари, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги"ги, Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президлентининг 23.03.2018 йилдаги ПҚ-3620-сонли "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 18.05.2018-йилдаги 24-17/238-сонли хатидаги "Банкларга кириш-чиқиш тартибини ташкил этиш бўйича тавсиялари"га мувофиқ банк биноларига рухсатнома билан кириш-чиқиш тартибини ташкил этишда хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги кўрсатмалари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Банкнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аянчли оқибатлари ва бир умрга тамға бўлиб қолишини тушинган ҳолда, қонун ҳужжатларига риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажаришсин.

3. Барча бўлим (шўъзба) бошлиқлари ва ходимларга юқорида кўрсатилган хато ва камчиликларга йўл қўйилишини олдини олиш мақсадида такидланган Низом, кодекс ва қоидаларни тегишли равишда иш жараёнида мунтазам равишда ўрганиши, фойдаланиши ҳамда риоя этилишини назорати юклатилсин.

Мазкур баённома талаблари ижроси устидан назоратни амалга ошириш Бош бошқарма бошлиғининг тегишли ўринбосарлари, Бош бошкарма тасаруфидаги БХМ, БХОларнинг бошқарувчилари, уларнинг ўринбосарлари ва бўлим бошлиқлари зиммаларига юклатилсин.

"Ўзмиллийбанк" АЖ Сурхондарё вилоят Бош бошқармаси хавфсизлик режм ва ахборотни химоялаш бўлими бошлиғи **Х.Расулов**

Коррупцияни олдини олишни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Б. Хакимов**